

Болажонларга мактуб (9)

05:00 / 15.02.2017 2663

ТЎҚҚИЗИНЧИ САБОҚ

НАМОЗ НЕГА ЎҚИЛАДИ

Ассалому алайкум, менинг жажжи кичкинтойларим! Бугун сизларга қизиқ бир савол бермоқчиман. Диққат билан қулоқ солиб тулинг. Аллоҳ ўзи яратган ер юзидаги жамики ҳайвонлар ва қушларга, ҳашаротлар ва денгиздаги жонворларга, одамлар ва жинларга, хуллас, барча махлуқларга ризқ, яъни овқат-емишлар бериб қўйган. Бирор махлуқни оч қўймаган. Улар ҳам Аллоҳ таолонинг ана шу берган неъматларига жавобан ўз меваларини Аллоҳ буюрганидай ўзлари емай, инсонга тақдим қилишади. Масалан, сигир кўкат ва емларни еб, эвазига сут беради, ундан қатик, қаймоқлар, сариёғ ва пишлоқлар олинади. Товуқ тухум беради, асалари асал, қўй-эчкилар сут, жун, гўшт, пилла қурти ипак, денгизлар балиқ беради. Ҳатто дарахтлар ҳам Аллоҳ ёғдирган ёмғирдан, нур сочиб турган қуёшдан озикланиб, эвазига шириндан-шакар мевалар тортиқ қилади.

Ана шу сут-қатикларни ичиб, гўшларни еб, ипак ва жундан тўқилган кийимларни кийиб, тухум ва асални мазза қилиб истеъмол қилиб, меваларнинг энг сархилларини тановул қилиб юрадиган инсонлар бунинг эвазига нима беришади? Нима қилишса ана шу берган неъматлари учун Аллоҳ таолони мамнун, хурсанд қилишади? Ахир бирорта одам бошқа бировга шунча овқат-неъматларни текинга бериб қўймайди. Инсон ана шу қарзни қандай қилиб узиши мумкин?

Ана шу саволларни сизларга бермоқчи эдим. Жавоб топишга қийналяпсизми? Майли, жавобини ўзим айтиб қўяқолай, Аллоҳ таолонинг барча берган неъматлари учун, бизни соғ-саломат, хотиржам, бахтли қилиб қўйгани учун фақат бир нарса билан — ибодат, яъни намоз ўқиш, рўза тутиш билан Аллоҳга миннатдорчилик билдириш мумкин, Аллоҳга хизмат қилиш билан Уни рози қилиш, мамнун этиш мумкин. Қолаверса, Аллоҳ таолонинг сиз билан бизларни яратишдан, инсонларга барча жонзотларни, ой-қуёшларни хизмат қилдириб қўйишдан мақсади ҳам бизнинг ибодат қилишимизни кўриш эди, холос. Биз Аллоҳга қанчалик ибодат қилишни кўпайтирсак, У ҳам биздан шунчалик хурсанд бўлаверади. Охират дунёсидаги мукофотларимизни кўпайтириб қўяверади. Ана шу ибодатларнинг энг улуғи эса — намоз ўқиш!

Намоз шунақанги зарур, муҳим ибодатки, агар намоз ўқимасангиз, ҳеч ким сизни чин мусулмон демайди. Сигир қанча серқаймоқ сутлар бермасин, асалари қанча тоза асалларни бермасин, ипак қурти қанча кўп ипак бермасин, барибир, улар ақлсиз ҳайвон. Аллоҳ охиратда уларга жаннат ҳам ваъда қилмаган, тирилтирмайди ҳам. Беақл бўлгани учун улардан ҳеч нарсанинг ҳисобини сўрамайди ҳам. Инсонга ақл берилгани учун у энди барча еган-ичганлари, қилган ишлари учун охиратда Аллоҳнинг олдида имтиҳон топширади. Синовдан яхши ўтса жаннатга кириб роҳат-фароғатда бўлади. Ўтолмаса, дўзахга тушиб, қийноқ-азобларга дучор бўлади.

Инсон ҳам ҳайвонларга ўхшаб индамай Аллоҳ берган тоза овқатларни тўйиб есаю, эвазига ҳеч нарса бермай еб-ичиб, ухлаб, ўйнаб-кулиб юраверса, унинг ҳам ҳайвондан фарқи қолмайди-да, тўғрими?! У ошхона билан ҳожатхона орасида чопаверадиган бир машинага айланиб қолади-да! Шундай бўлиб қолмаслик учун нима қилиш керак экан? Ҳа, яшанг, барча неъматлари ва берган умри учун Аллоҳга миннатдорчилик билдириши, унга шукр дейиш керак. Қайси йўл билан шукр айтилади? Ибодат билан, намоз ўқиш билан!